

Факт № 6: Эмитентнинг юқори бошқарув органи томонидан қабул қилинган қарорлар

ЭМИТЕНТНИНГ НОМИ									
1	Тўлиқ:	“O'zbekiston Respublikasi tashqi iqtisodiy faoliyat milliy banki” aksiyadorlik jamiyati							
	Қисқартирилган:	O'zmilliybank							
	Биржа тикерининг номи:*	No							
АЛОҚА МАЪЛУМОТЛАРИ									
2	Жойлашган ери:	Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳ кўчаси, 101-уй							
	Почта манзили:	100084, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳ кўчаси, 101-уй							
	Электрон почта манзили:*	info@central.nbu.uz							
	Расмий веб-сайти:*	www.nbu.uz							
МУҲИМ ФАКТ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ									
Муҳим фактнинг рақами:		06							
Муҳим фактнинг номи:		Эмитентнинг юқори бошқарув органи томонидан қабул қилинган қарорлар							
Йиғилиш тури:		Навбатдан ташқари							
Йиғилишни ўтказиш санаси:		07.02.2025							
Умумий йиғилиш баённомаси тузилган сана:		10.02.2025							
Йиғилишни ўтказиш жойи:		Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳ кўчаси, 101 - уй							
Йиғилиш кворуми:		100.00							
№	Овоз беришга қўйилган масалалар	Овоз бериш яқунлари							
		ёқлаш		қарши		бетарафлар			
		%	сон	%	сон	%	сон		
3	1	“Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамияти акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг санок комиссияси таркибини тасдиқлаш		100	2	0	0	0	0
	2	“Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамияти акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш		100	2	0	0	0	0
	3	“Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамияти устав капиталини ошириш		100	2	0	0	0	0
	4	“Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамиятининг қўшимча акциялар чиқариш тўғрисидаги қарорини тасдиқлаш		100	2	0	0	0	0
Умумий йиғилиш томонидан қабул қилинган қарорларнинг тўлиқ баёни:									
Ўзмиллийбанк” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши санок комиссияси таркиби қуйидагича тасдиқлансин: 1. Корпоратив алоқалар ва инвестициялар департаменти, Корпоратив бошқарув хизмати менеджери Бахромов									

1	Алижон Акбарович; 2. Корпоратив алоқалар ва инвестициялар департаменти Портфель инвестицияларни бошқариш бўлими лойиҳа менеджери Юсупов Мухаммаджон Алижон ўгли. 3. Корпоратив алоқалар ва инвестициялар департаменти, Корпоратив бошқарув хизмати менеджер ассистенти Мухамедова Шахло Дилмурод кизи;
2	2. “Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламенти қуйидагича тасдиқлансин: - маърузалар бўйича муҳокамага – 15 дақиқагача; - кун тартибидаги масалаларни кўриб чиқишга – 10 дақиқагача; - кун тартибидаги масала бўйича овоз бериш учун – 10 дақиқагача.
3	3. “Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорларнинг 2024 йил 14 ноябрдаги 26-сонли навбатдан ташқари умумий йиғилишининг олтинчи сонли қарори бекор қилинсин. 3.1. Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Бешёғоч кўчаси, 1–уй манзилида жойлашган “Халқаро банк ва молия маркази” бино ва иншоотларини баланс (қолдиқ) қийматида “Ўзмиллийбанк” АЖ тасарруфига ўтказилганлиги муносабати ушбу объект ҳисобига қўшимча акция чиқариш орқали устав капитали ўрнатилган тартибда оширилсин.
4	4. “Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорларнинг 2024 йил 14 ноябрдаги 26-сонли навбатдан ташқари умумий йиғилишининг еттинчи (қўшимча акциялар чиқариш тўғрисида) сонли қарори бекор қилинсин. 4.1. 6 082 852 000,00 сўмлик эгасининг номи ёзилган оддий хужжатсиз шаклдаги қўшимча акциялари чиқарилсин. 597,89 сўм кейинги акция чиқарилишида тақсимланиши учун қолдирилсин. “Ўзмиллийбанк” АЖнинг номинал қиймати 1 000 (бир минг) сўм бўлган 6 082 852 дона умумий қиймати 6 082 852 000,00 сўмлик эгасининг номи ёзилган оддий хужжатсиз шаклдаги қўшимча акциялари чиқарилсин. “Ўзмиллийбанк” АЖнинг қўшимча чиқарилаётган акцияларни жойлаштириш тартиби ва шартлари қуйидагича белгилансин: • ушбу чиқарилишдаги акциялар ёпиқ обуна орқали 2025 йил 3 феврал ҳолатига шакллантирилган реестрдаги акциядор (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 19 октябрдаги 583 – F – сонли фармойишига асосан) Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигига жойлаштирилади: - Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигига 6 082 852 дона. • Ушбу чиқарилишдаги акциялар қимматли қоғозларнинг биржадан ташқари ташкиллаштирилмаган (уюлмаган) бозорида “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамияти ва Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ўртасида акцияларни олди-сотди шартномаси (акцияларни жойлаштириш шартномаси) тузиш ва ушбу шартномани ўрнатилган тартибда “Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси” давлат корхонасида ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтказиш орқали жойлаштирилади. Ушбу чиқарилишдаги акцияларни жойлаштиришда андеррайтерлар жалб қилиниши кўзда тутилмаган. • ушбу чиқарилишдаги акциялар 1000 (бир минг) сўмдан жойлаштирилади; • ушбу чиқарилишдаги акциялар учун тўлов Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 19 октябрдаги 583 – F – сонли фармойишига асосан банкнинг Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Бешёғоч кўчаси, 1 – уй манзилида жойлашган “Халқаро банк ва молия маркази” бино ва иншоотларини баланс (қолдиқ) қийматида “Ўзмиллийбанк” АЖ тасарруфига ўтган объект ҳисобидан амалга оширилади; • ушбу чиқарилиш амалга ошмаган деб топилган тақдирда, акциялар учун қабул қилинган тўлов воситалари ушбу чиқарилиш амалга ошмаган деб топилган кундан бошлаб 10 (ўн) кун давомида қайтарилади. Қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарор матни иловага мувофиқ тасдиқлансин ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамияти Кенгаши аъзоси М.Норгитовга ушбу қарор матнини тасдиқлаш ваколати берилсин.